

Х. Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991–2017 йиллар)”. 1 қисм. “Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” номли рисоласига

ТАҚРИЗ



Халқлар орасидаги маданият кўприги ҳисобланган бадиий таржиманинг санъат даражасига юксалишида таржимоннинг истеъдо-ди ва таржиманинг савияси муҳим ўрин тутди. Таржимоннинг асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати ижоднинг бундай турида асосий омилдир. Таржимон маҳорати қирраларининг тадқиқ этилиши эса таржиманинг сифатини баҳолашга имкон беради. ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедраси катта ўқитувчиси Х. Ҳамидовнинг “Ўзбек-турк таржимачилигининг долзарб муаммолари (1991–2017 йиллар)”. 1-қисм. Абдулла Қодирий асарлари турк тилида” номли рисоласида таржимашуносликнинг ана шундай мураккаб масалалари тадқиқ этилган.

Барчамизга маълум, 2018 йил 3 декабрьда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, аждодларимизнинг маънавий мероси билан фахрланиш ва ифтихор туйғуларини юксатириш ҳамда ёзувчи таваллудининг 125 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги 1027-Ф-сон Фармойиши қабул қилинди. Унга мувофиқ мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрь ойида атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан мамлакатимизда кенг миқёсдаги тадбирлар, шу жумладан республикамиз олий таълим муассасаларида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар уюштирилиши, 2019 йилнинг апрель ойида “Абдулла Қодирий ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти” мавзусида Республикамизда илмий конференция ўтказилиши, адиб ижодига бағишланган адабий музей, ижодий мактаб, кутубхона барпо этилиши назарда тутилган. Х. Ҳамидовнинг ушбу тадқиқот иши мазкур Фармойишнинг ижроси йўлида амалга оширилган бўлиб, унда атоқли адиб Абдулла Қодирий

романларининг турк тилига таржималари таҳлилга тортилган.

Ўзбек ва турк тиллари айна тил гуруҳига мансуб, уларнинг биридан иккинчисига таржима қилиш кўпинча таржимон учун қулайлик туғдирса-да, икки қардош тилнинг ўзига хос қонуниятлари ҳам борлиги, уларда айрим предмет ёки ҳодисалар бир хил аталса-да, фарқли маъно касб этиши мумкинлиги ва шунга ўхшаш хусуслар эътибордан четда қолмаслиги кераклиги китобда алоҳида таъкидланган.

Тадқиқот жараёнида муаллиф келган хулосалар бадий таржима

муаммолари билан шуғулланадиган мутахассислар, таржимонлар ҳамда "Таржима назарияси ва амалиёти" йўналиши талабалар учун фойдали бўлади. Ишнинг эътиборли жиҳати шундаки, у нафақат ўзбек тилидан турк тилига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган бадий таржима билан шуғулланувчи мутахассислар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, рисола ни нашрга тавсия этиш мумкин деб ўйлайман.

Қ. Ш. Омонов
Филология фанлари намзоди, доцент
ТошДШИ Шарқ филологияси факультети декани